

**“Навоий кон–металлургия комбинати” акциядорлик жамияти  
ягона акциядорининг 9-сон  
ҚАРОРИ**

2021 йил 16 декабрь

Тошкент шаҳри

“Навоий кон–металлургия комбинати” АЖнинг барча овоз берувчи оддий акциялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябридаги ПФ–6096–сон “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 мартдаги 170-сон “Навоийуран” давлат корхонаси, “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ва “Навоий кон–металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли бўлиб, ушбу вазирлик “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор **“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ва “Банк ВТБ” АЖ (ПАО “Банк ВТБ”) ўртасида кредит шартномаси тузишни маъқуллаш** юзасидан қабул қилинди.

Ҳозирги кунда “Банк ВТБ” ОАЖ (ПАО “Банк ВТБ”) билан тузилиши кўзда тутилаётган 1 000 000 000 (бир миллиард) АҚШ доллари миқдордаги кредит битими ушбу қарор қабул қилиш санасида “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг соф активларининг 50 (эллик) фоизидан ортиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 84-моддаси ҳамда Жамият Уставининг 13.6-бандининг (с) кичик бандига асосан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилиниши белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг ягона акциядори қуйидагича **қарор қабул қилади:**

1. “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2021 йил 28 сентябрдаги 5-сон Баённомасида кўзда тутилган шартлар асосида “Банк ВТБ” АЖ (ПАО “Банк ВТБ”) билан кредит шартномасини тузиш маъқуллансин.

2. Ушбу қарор ижросини таъминлаш “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси – бош директор К.С. Санакулов зиммасига юклатилсин.

Вазир



Т. Ишметов